

## **Фиқҳ 168-дарс. Овозни ошкора ёки махфий қиласиган ўринлар**



17:00 / 13.01.2022 3905

Фарз намозлардан бомдоднинг икки ракатида ҳам, шом ва хуфтоннинг биринчи икки ракатида, жума ва икки ийд намозларида қироатни овоз чиқариб қилиш вожибdir. Пешин ва аср намозларида қироат овоз чиқармай қилиниши вожиб.

Ушбу ҳолат жуда кўплаб ривоятларда келган.

مَلِسْ وَ هَيْلَعْ هَلْلَى هَلْصَى يَبْنَلَى ءَارَقَ نُوْفُرْعَتْ مُتْنُكَ ئَيْشَ يَأَبْ بَأْبَخَلَ لَيْقَوْ دُوَادْ وُبَأْوَيْرَأْخَبْلَى هَأَوَرْ دَوَتَيْحَلَ بَأْرَطْضَابَ هَلَاقَ ئَرْصَعَلَأْوَرْهَظَلَى يَفَ

«Хаббобга:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пешин ва асрдаги қироатларини нимадан билар эдингиз?» дейилди. У:

«Соқолларининг қимирлашидан», деди».

Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Пешин ва аср намозида қироат махфий қилингани бу ривоятда очик-ойдин айтиб турилибди. Саҳобалар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қироат қилаётганларини фақат у зотнинг соқоллари қимирлашидан билиб олар эканлар.

﴿فَرِعَتْ أَلَّا سُرْمَلْ أَوْ أَرْقَى وُهْ وَهْ تَعْمَسْ لِضَفْلَا مُأْنَأْ: أَمْهَنَعْ هُلْلَا يَضَرِسْ ۚ بَنْبَارَنَعْ نَمْ تَعْمَسْ آمْ رَحْلَ آهَنَإِ، رَوْسَلْ لَهَدَهْ كَتَءَارَقَبْ يَنَتَرَكَذْ دَقَلْ هُلْلَا وَ، يَنْبَ آيْ تَلَاقَفَ بَرْغَمَلَا يَفَآوبَ أَرْقَى مَلَسْ وَهَيَلَعْ هَلَصْ هَلَلْ لَوْسَرَ﴾

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Умму Фазл у кишининг «Вал мурсалаати урфани»ни қироат қилаётганини эшитиб:

«Эй ўғлим, Аллоҳга қасамки, ушбу сурани қироат қилишинг ила, батаҳқик, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан охирги эшитган нарсамни эслатдинг. Уни шом намозида ўқиган эдилар», деди».

Ушбу ривоятга қараганда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шом намозида «Вал мурсалаати урфани» сурасини биринчи ва иккинчи ракатларга бўлиб қироат қилганлар.

﴿أَرْقَى مَلَسْ وَهَيَلَعْ هَلَصْ هَلَلْ لَوْسَرْ تَعْمَسْ هَلَأَقْ مَعْطُمْ بَرْجَ جْ نَعْ سَمَحْلَا آمُهَا وَرَبْرَغَمَلَا يَفَرْوَطَلَابَ﴾

Жубайр ибн Мутъим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шомда «Ват-Тури»ни қироат қилганларини эшитдим».

Икки ҳадисни бешовлари ривоят қилишган.

Ушбу ҳадисдан шом намозида қироат ошкора бўлишини билиб оламиз.

Шунга ўхшаш ривоятлар жуда ҳам кўп.

«Мухтасари виқоя» соҳибларининг ижтиҳоди бўйича, намознинг вожиблари ўн битта бўлди. Бошқа ҳанафий уламолар қуидаги амалларни ҳам вожиб дейдилар:

12. Намозни «Аллоҳу акбар» лафзи ила очиш.
13. «Фотиҳа»ни зам сурадан олдин ўқиш.
14. Саждада пешона билан бирга бурунни ҳам ерга теккизиш.
15. Ҳар бир ракъатда такрорланадиган амалларни тартиб билан қилиш.
16. Биринчи қаъдада ташаҳҳудни ўқигандан кейин кеч қолмасдан, учинчи ракъатга туриш.

17. Муқтадийнинг имомга эргашиши ва қироатга қулоқ осиши.

**«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди**